

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОМОНОВ ШОХРУХ РАХИМОВИЧ

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ТРОМБОЭМБОЛИЯ
АСОРАТЛАРИНИ МОРФОЛОГИК АСОСЛАРИ

14.00.15 – Патологик анатомия

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Омонов Шохрух Рахимович

Коронавирус инфекциясида тромбоземболия асоратларини морфологик асослари..... 3

Омонов Шохрух Рахимович

Морфологические основы осложнений тромбоземболии при коронавирусной инфекции 26

Amonov Shokhrukh Rakhimovich

Morphological bases of complications of thromboembolism in coronavirus infection 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.TIB.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОМОНОВ ШОХРУХ РАХИМОВИЧ

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ТРОМБОЭМБОЛИЯ
АСОРАТЛАРИНИ МОРФОЛОГИК АСОСЛАРИ

14.00.15 – Патологик анатомия

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2803 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Турсунов Хасан Зиёевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Нишанов Данияр Анарбаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Дон Андрей Николаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Ж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қоши-
даги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда янги коронавирус инфекцияси COVID-19 нинг пандемияси инсоният учун жуда жиддий муаммога айланди. Пандемиядан аввал барча давлатларда соғлиқни сақлаш тизимининг асосий долзарб муаммоларидан бири бу қон томир бузилишларининг ривожланиши учун етакчи хавф омили бўлган тромбоемболия асоратлари (ТЭА) ҳисобланган. Тромбоемболия натижасида томирдаги қон оқими тўхтади, окклюзив томир ҳовузида тўқиманинг ишемияси бўлиб, кўпинча ишемик инфаркт билан тугайди. COVID-19 тромбоемболик асоратларнинг умумий хавфини ошириши кўрсатилди, бу ушбу беморларда кузатилган юқори ўлимнинг қўшимча омили бўлиши мумкин. 40 дан ортиқ тадқиқот ва тахминан 18000 беморни ўз ичига олган битта мета-таҳлил шуни кўрсатадики, COVID-19 билан касалланган беморларда веноз тромбоемболик ҳодисаларнинг (VTE) йиғилиш частотаси 17% (DVT учун 12% ва PE учун 7,1%). COVID-19 инфекцияси билан боғлиқлигини Вирхов триадасининг учта компоненти призмаси орқали тушуниш мумкин. SARS - CoV -2 вирусининг эндотелиал хужайраларга тўғридан-тўғри кириб бориши триаданинг биринчи элементи - эндотелийнинг шикастланишини кўрсатади. Шу муносабат билан короновирус инфекциясида тромбоемболик асоратларини олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда короновирус инфекциясида тромбоемболик асоратлардан ўлган беморлар қон томирларини морфологик ўрганиш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада COVID-19 беморларида, айниқса интенсив терапия бўлимидан ташқарида антикоагулянтларнинг ролини янада тушунтириш, қон ивиши ва COVID-19 вакциналари билан боғлиқ хавотирлар, эмлашнинг хавф-хатарлари ва фойдаларини тортишда COVID-19 инфекцияси пайтида қон ивишининг даҳшатли даражада юқори бўлган ҳолатларини ҳал қилиш, короновирус инфекциясида тромбоемболик асоратлардан вафот этан беморлар ўпка томирлари гистокимёвий ўзгаришларини баҳолаш, ўпка томирларини иммуногистокимёвий жиҳатларини ўрганиш, ўпка томирларини морфометрик кўрсаткичларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

яхшилаш....»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда коронавирус инфекциясида тромбоемболик асоратларининг морфологик асосларини аниқлашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи таҳлили бўйича коронавирус инфекцияси айрим ҳолатларда тромбоемболия келтириб чиқаради. COVID-19да ўлим кўрсаткичи 85 ёшдан ошганларда (10%-27%), 65-84 ёшдагиларда (3%-11%), 55-64 ёшдагиларда (1%-3%), 20-54 ёшдан ошган одамлар орасида эса камроқ кузатилган. Аммо, COVID-19 да тромбоемболия юзага келишидаги боғлиқлик таъсири кам ўрганилган. Тадқиқот ишимизда таҳлил қилган адабиётлар COVID-19 инфекциясида тромбоемболияни ёшга ва жинсга доир боғлиқлигини ривожланиши ҳамда турли тромбоемболия асоратлари ўртасидаги коррелятив боғлиқлик акс эттирилган патоморфологик тадқиқотлар ўрганилмаган. Охирги 3 йилда диссертация тадқиқотининг асоси COVID-19 пандемияси бўлиб, АҚШ ва Европа давлатларида COVID-19 га қарши жамият ташкил этилган бўлиб, бунда турли орган ва системалар шикастланишини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини, шунингдек, уларнинг COVID-19 прогнози учун аҳамиятини аниқлашни талаб қилади. Маълумки, COVID-19 қон томирларга тўғридан-тўғри зарар етказиш ва тромбоемболия ривожланиши натижасида келиб чиққан қон айланишидаги жиддий ўзгаришлар билан тавсифланади. Бир қатор хорижий тадқиқотчилар қон-томир патологияси бўлган беморларда янги коронавирус

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

инфекциясининг кечиши муаммосини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Бир қатор муаллифлар беморларда тромбоемболия асоратлари мавжудлиги инфекциянинг ноқулай кечишида хавф омили бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясида ички аъзолардан жигар, лимфа тугунлари, буйрак усти беши ва ошқозон ости бешидаги морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлар бўйича қатор олимлар томонидан (Р.И.Исраилов, Б.А.Магруппов, Х.З.Турсунов, 2021; Э.А.Эшбаев, Д.Ш.Аллаберганов, 2021; Р.И.Исраилов, Э.А.Эшбаев, 2022) олиб борилган. Шу билан бирга COVID-19 да эндокрин аъзоларнинг морфологик ўзгаришлари бўйича (Р.И.Исраилов, Э.А.Эшбаев, 2021), хомилардорликда COVID-19 фонида жигар касалликларини ўрганиш (Р.И.Исраилов, С.А.Шакиров, 2022), COVID-19да буйракларнинг патоморфологиясини ўрганиш (Э.Н.Билолов, Л.Н.Туйчиев, 2023) COVID-19 да синус каверноз тромбоз бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ, коронавирус инфекцияларида қон томирларнинг шикастланиши макро-микроскопик ва ультрамикроскопик ўзгаришлари ёш, жинс, этник омил бўйича ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, коронавирус инфекцияси ривожланишида касаллик қўзғатувчиларни ўрни ҳамда қон-томирларнинг системали умумий яллиғланиш реакциялари етарлича ўрганилмаган, даво чораларини белгилашда аниқ кўрсатмалар, ушбу инфекцияда шошилиш ёрдамни такомиллаштириш ва уни олдини олишга қаратилган усулларни баҳолашга доир қўлланмалар мавжуд эмас, бундан ташқари ўз ечимини кутаётган шошилиш ёрдамни ташкил этиш масалалари ҳам долзарблигича қолмоқда. Юқорида келтирилганлар барчаси ушбу илмий тадқиқотни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012300285 «Одам патологик ҳолатининг иммуно-микробиологик, тиббий ижтимоий аспекти ўзига хослигини ўрганиш ҳамда инфекцион ва ноинфекцион касалликлар ташхиси ва профилактикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2023-2026 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коронавирус инфекциясида тромбоемболик асоратларининг морфологик асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронавирус инфекциясидан вафот этган беморларнинг клиник анамнестик маълумотларини ва бирга қўшилиб келган касалликларни таҳлил қилиш;

ривожланган интерстициал пневмонияни муддати ва фазалари боғлиқ бўлган гистологик ва гистокимёвий ўзгаришларни баҳолаш;

коронавирус инфекциясида тромбоемболик асоратлардан вафот этган беморлар ўпка тўқимаси ва томирларини иммуногистокимёвий жиҳатларини аниқлаш;

коронавирус инфекциясида тромбоземболик асоратлардан вафот этган беморлар томирларини морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика патологик анатомия марказида COVID-19 дан вафот этган 126 беморларни касаллик тарихлари, аутопсия баённомаларилари, гистологик препаратлари, парафин блоклари ва архив материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети COVID-19 дан вафот этганларни аутопсияда томирларидаги гистологик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий ва морфометрик тадқиқот натижалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда COVID-19 дан вафот этганларнинг томирларидаги ўзгаришларни баҳолашда морфологик, морфометрик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 дан вафот этган беморларнинг клиник-анамнестик маълумотларни таҳлили асосида оғир асоратлар (ўлим кўрсаткичи) учраш даражасининг ошиши беморларда бирга қўшилиб келган касалликлар мавжудлиги, жинс ва ёшга боғлиқлиги аниқланган;

ўпканинг интерстициал тўқимасида лимфогистиоцитар инфильтрация ривожланишининг пролифератив фазасида ўпка тўқимаси паренхимаси ўрнида пневмофиброз ва пневмосклероз ўчоқларининг шаклланиши, ўпка томирларида периваскуляр склероз ўчоқларининг ҳосил бўлиши аниқланган;

COVID-19 инфекциясида яллиғланиш ўчоқларида, айниқса периваскуляр ва интраваскуляр субэндотелиал тўқималар атрофида CD3 лимфоцитларининг кўпайиши жараённинг оғир кечаётганини CD3 маркерининг юқори позитив экспрессияси билан ифодаланиши асосланган;

COVID-19 инфекциясида бирга қўшилиб келган касалликларда қон томирларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларда фарқлар, яъни назорат гуруҳига нисбатан ўпка томирларининг эндотелий ва деворнинг мушак қаватлари ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник-морфологик ташхислашни асослашда врач патологоанатомлар учун COVID-19 инфекциясида тромбоземболик асоратларнинг танатогенез механизмини ёритишда муҳим қўлланма бўлиши кўрсатилган;

ўтказилган тадқиқотлар клиницист ва фармакологлар томонидан касалликнинг даволаш ва прогнозида асоратларни олдини олиш учун фойдаланиш учун тавсия этилган;

клиник кузатув ва даволашда, шунингдек, тромбоземболик асоратларнинг олдини олишда COVID-19 инфекцияси танатогенезида бирга қўшилиб келувчи касалликларнинг аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган илмий ёндашув ва амалий усуллардан фойдаланиш, ўрганишнинг услубий аниқлиги, материалларнинг етарли даражада танланиши, қўлланиладиган усулларнинг замонавийлиги, улардан бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, гистологик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, морфометрик

ва статистик таҳлил усуллар асосида коронавирус инфекциясида тромбоземболик асоратларининг морфологик асосларини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўтказилган тадқиқотлар SARS-CoV-2 чақирган пневмонияларда ўпкадаги структур ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштириши, касаллик кечиши динамикасида морфологик ўзгаришлар клиницист ва фармокологлар томонидан касалликни даволаш ва прогнозлашда асоратларни олдини олиш имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти томирдаги морфологик ўзгаришлар қон ивиш системасидаги бузилишлар билан коррелятив боғлиқлигини аниқлаш тромбоземболик асоратларнинг прогнозлаш ва даволашда ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коронавирус инфекциясида тромбоземболик асоратларининг морфологик асосларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 дан вафот этган беморларнинг клиник-анамнестик маълумотларни таҳлили асосида оғир асоратлар (ўлим кўрсаткичи) учраш даражасининг ошиши беморларда бирга қўшилиб келган касалликлар мавжудлиги, жинс ва ёшга боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 январда 24/236-т-сон билан тасдиқланган «COVID-19 инфекциясида ўпка томирларининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш ва ташхислаш самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 15.02.2024 йилдаги 10-2/1-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 21.02.2024 йилдаги 9-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш самарадорлиги оширилган, бу эса тромбоземболия ҳолатларини камайтиради, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, тромбоземболия асоратлари билан боғлиқ ўлим кўрсаткичинини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган 650000 сўм бюджет маблағлари COVID-19 дан вафот этганларнинг аутопсия текшируви маълумотлари асосида таклиф этилган амалий тавсиядан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: ўпканинг интерстициал тўқимасида лимфогистиоцитар инфильтрация ривожланишининг пролифератив фазасида ўпка тўқимаси паренхимаси ўрнида пневмофиброз ва пневмосклероз ўчоқларининг шаклланиши, ўпка томирларида периваскуляр склероз ўчоқларининг ҳосил бўлиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 январда 24/236-т-сон билан тасдиқланган «COVID-19 инфекциясида ўпка томирларининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш ва ташхислаш самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 15.02.2024 йилдаги 10-2/И-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 21.02.2024 йилдаги 9-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш самарадорлиги оширилган, бу эса тромбоемболия ҳолатларини камайтиради, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, тромбоемболия асоратлари билан боғлиқ ўлим кўрсаткичини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган 650000 сўм бюджет маблағлари COVID-19 дан вафот этганларнинг аутопсия текшируви маълумотлари асосида таклиф этилган амалий тавсиядан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 инфекциясида яллиғланиш учоқларида, айниқса периваскуляр ва интраваскуляр субэндотелиал тўқималар атрофида CD3 лимфоцитларининг кўпайиши жараённинг оғир кечаётганини CD3 маркерининг юқори позитив экспрессияси билан ифодаланиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 январда 24/236-т-сон билан тасдиқланган «COVID-19 инфекциясида ўпка томирларининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш ва ташхислаш самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 15.02.2024 йилдаги 10-2/И-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 21.02.2024 йилдаги 9-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш самарадорлиги оширилган, бу эса тромбоемболия ҳолатларини камайтиради, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, тромбоемболия асоратлари билан боғлиқ ўлим кўрсаткичини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар

метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган 650000 сўм бюджет маблағлари COVID-19 дан вафот этганларнинг аутопсия текшируви маълумотлари асосида таклиф этилган амалий тавсиядан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 инфекциясида бирга кўшилиб келган касалликларда қон томирларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларда фарқлар, яъни назорат гуруҳига нисбатан ўпка томирларининг эндотелий ва деворнинг мушак қаватлари ортиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 январда 24/236-т-сон билан тасдиқланган «COVID-19 инфекциясида ўпка томирларининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш ва ташхислаш самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 15.02.2024 йилдаги 10-2/И-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 21.02.2024 йилдаги 9-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш самарадорлиги оширилган, бу эса тромбоземболия ҳолатларини камайтиради, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, тромбоземболия асоратлари билан боғлиқ ўлим кўрсаткичини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган 650000 сўм бюджет маблағлари COVID-19 дан вафот этганларнинг аутопсия текшируви маълумотлари асосида таклиф этилган амалий тавсиядан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган бўлиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган бўлиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19, эпидемиология, этиология, патогенез, клиник-морфологик ўзгаришлари, қон-томирлар тромбози ва тромбоэмболиясининг морфогенези ҳамда патоморфологик ўзгаришлари бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобда маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида тромбоэмболия этиологияси, эпидемиологияси, учраш даражасининг ўзига хос жиҳатлари, иммуногистокимёвий текширишлар асосида қилинган изланишлар ва олиб борилган морфологик, морфометрик ўзгаришлари муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. COVID-19 да қон-томирлардаги юзага келадиган асоратларнинг морфологик асослари бирорта адабиётда келтирилмаганлиги ва ушбу муаммолар бўйича аниқ бир амалий тавсия ва мезонлар ишлаб чиқарилмаганлиги келтирилган бўлиб, COVID-19 патогенези ривожланиш механизмида аниқланадиган морфологик ўзгаришлари тўғрисида илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби текширишнинг материал ва усуллари ҳақида бўлиб, Республика патологик анатомия марказида COVID-19 инфекциясидан вафот этган 126 та беморлар ва назорат гуруҳи сифатида COVID-19 инфекцияси бўлмаган 10 та юрак ишемик касаллиги, 10 та гипертония касаллиги, 10 та 2-тип қандли диабет касаллигидан вафот этган беморларнинг аутопсия баённомалари клиник анамнестик маълумотлари тахлили натижалари келтирилган. Республика патологик анатомия марказида жами 156 та ҳолат бўйича, ўпка қон-томирлари ва ичак қон-томирлари олинган. Даволаш муассасаларидан патологоанатомик текшириш учун олиб келинган мурдалар ташкил этади. Шулардан 2020-2022 йилларда 126 ҳолатда 1-гуруҳ - 21-30-ёшгача 5 та (4%); 2-гуруҳ – 31-40-ёш 26 та (20,6%); 3-гуруҳ – 41-50-ёш 15 та (12%); 4-гуруҳ – 51-60-ёш 34 та (27%); 5-гуруҳ – 61-70-ёш 26 та (20,6%); 6-гуруҳ – 71-80-ёш 13 та (10,3%); 7-гуруҳ – 80 ёш ва ундан юқори 7 та (5,5%) ни ташкил қилди.

Беморларнинг ўртача ёши $55 \pm 1,5$ ни ташкил этди. Аёллар ва эркекларнинг касалланиши кўпроқ 31-40 ёшлар оралиғидан 61-70 ёшлар оралиғида кузатилди. Эркекларда 71-80 ёш оралиғида умуман учрамади ва ундан кейинги ўринларда 21-30 ҳамда 81 ва ундан юқори ёшлар оралиғи эканлиги аниқланди. Аёлларда эса 21-30 ёш оралиғи ва 81 ва ундан юқори

ёшлар оралиғида умуман учрамади, ундан кейинги ўринларда энг кам миқдорда 71-80 ёш оралиғи эканлиги аниқланди.

Республика патологик анатомия марказига олиб келинганлар касаллик тарихидан кўчирмалар олинди. Тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: морфологик, морфометрик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий ва статистик таҳлил маълумотлари олинди. Аъзолар қон томирларини морфологик текшириш учун гематоксилин-эозин, гистокимёвий усулда ШИФФ ва Ван Гизон бўёғидан, иммуногистокимёвий усуллар учун тегишли маркерлардан фойдаланилган.

Ҳар бир ҳолат бўйича патологоанатомик текшириш баёномасида келтирилган маълумотлар, амбулатор харитаси, касаллик тарихи ва аутопсия хулосалари ҳар томонлама ўрганилди. Текшириш учун тайёр парафинли блоклар ва нам архив материаллари оқар сувда 3-4 соат ювилди, кейин 70, 80, 90, 96, 100 %ли спиртларда ва хлороформда сувсизлантирилди ва мум кўшилган парафин қуйилиб, блоклар тайёрланди. Кесмалардаги парафин 57°C термостатда ксилол ёрдамида эритилди, сўнгра тромбоэмболиянинг умумий гистологик ҳолатини ўрганиш учун гематоксилин-эозин эритмаларида бўялди. Парафинли блокчалардан ротацион микротомларда қалинлиги 3-5 мкм бўлган кесмалар тайёрланди. Кесмалардаги парафин 57°C термостатда ксилол ёрдамида эритилди, кейин қон томир тўқимаси ва тромбоэмболиянинг умумий гистологик ҳолатини ўрганиш учун гистокимёвий бўёқлардан ҳам фойдаландик.

Пикрофуксин ёрдамида Ван-Гизон усули. Парафинли блоклардан олинган кесмалардаги парафин хлороформга солинди ва сувда ювилгандан сўнг янги тайёрланган Вейгерт гематоксилинига 3–5 дақиқага солинади. Сўнгра диққат билан сувда икки марта ювилиб 2–3 дақиқа пикрофуксинда бўялади ва тезда 5–15 сония сувда ювилади. Кесмалар 96° спиртдан 2 марта 1-3 дақиқа ўтказилади. Карбол-ксилол билан оқартирилиб, бальзам билан ёпиштирилди. **Натижа:** коллаген толалар қизил рангда, бошқа барча тўқима компонентлари сариқ рангда бўялди.

Мукополисахаридларни ШИФФ реакцияси билан бўяш. Парафинсизлантирилган гистологик кесмалар сувда ювилиб, 5–10 дақиқа янги тайёрланган 3%ли сирка билан аралаштирилган 0,1% ли альциан спиртида бўялди. Кейин дистилланган сувда ювилиб, йод кислотасининг 0,5% ли сувли эритмасида 2–5 дақиқа оксидланди. Кейин 10–15 дақиқа ШИФФ реактиви билан ишлов берилди. Оқар сувда ювилиб, гематоксилин билан бўяшда давом этилди, сўнгра сувда ювилиб, спиртда сувсизлантирилди ва ксилолда оқартирилиб бальзам билан ёпиштирилди. **Натижа:** мукопротеидлар, нордон мукополисахаридлар мовий кўк рангга, нейтрал мукополисахаридлар пушти қизил рангга, ядролар кўк рангга бўялди.

Конфокал мултиплексли морфометрия усулида қон томир тўқимасини морфометрик (гистометрик) текшириш учун замонавий рақамли текшириш усулларидан фойдаланилди. Ушбу амалиётни бажариш учун NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/ HAMAMATSU PHOTONICS/431-


3196 JAPAN)да сканер қилинди. Морфометрик текшириш учун қон томир тўқимасидан тайёрланган микропрепаратларни микротасвирлар кўринишида икки ўлчамда сканер қилинди. Тромбоэмболиянинг ҳар хил шаклларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни қон ҳужайралари тузилмаларининг бир-бирига нисбати ва эгаллаган майдонларининг ҳажми, иккита текислик бўйича морфометрик ўлчанган катталикларини аниқ бир чегарадаги траекториясини рақамлар орқали ифодалаш учун асос қилиб олинди.

Морфометрик кўрсаткичларни аниқлаш COVID-19да қон-томирлар гистиоархитектоникасини ҳажм ва сифатий ўзгаришлар локализациясини аниқлаш учун муҳим ҳисобланади. Қон-томир тўқима тузилмалари эгаллаган майдони бўйича морфометрик ўзгаришларни қайд қилишда томирлар эгаллаган соҳа, толали тузилмаларнинг морфодинамик ўзгаришини рақамлар орқали олинган кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Тўқима компонентларини ўлчашда, 5-7 мкмда олинган кесмалар 20х объективда сканер қилинди. Текширилган микротасвирларни морфометрик дастурий кўрсаткичлар орқали олинган катталиклари мкмда ва % ларда кўрсатилди. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик миқдорини (M), ўртача квадратик оғишларни сигма (σ), ўртача стандарт хатоликларни (m), нисбий катталикларни (частота, %) ҳисобга олган статистиканинг вариацион параметрлари ва нопараметрик усулларида фойдаланилди. Ўртача катталикларни таққослашда олинган ўлчамларнинг статистик аҳамияти генерал дисперция (F-Фишер мезони) ва тарқалишнинг меъёрларини (Ех мезони бўйича) текширишда хатоликлар эҳтимоллиги (P)ни ҳисоблаган ҳолда Стюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Қўлга киритилган миқдорий маълумотларнинг ўртача арифметик катталиги ва ўртача квадрат хатолик миқдори, ишончлилик кўрсаткичини ($P < 0,05$, $P < 0,001$) аниқлаш мақсадида статистик ишлов берилди. Сифатий катталиклар учун статистик аҳамияти χ^2 (хи-квадрат) ва z-мезонлари ёрдамида ҳисобланди. Олинган натижалар таҳлили вариацион қатор статистик таҳлилининг умумий қабул қилинган усулида ўтказилди ва унинг кўрсаткичлари интенсивлиги аниқланди.


Диссертациянинг «Тромбозлар ва тромбоэмболик асоратларсиз кечган COVID-19 да томирлар патоморфологияси» деб номланган учинчи бобида, ичак мезентериал артериясини ҳар хил даражада шикастланиши, гемодинамика ва қоннинг реологик кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлиб, айнан конституционал жиҳатдан COVID-19 инфекцияси билан тана вазни юқори бўлган контингентларнинг касалланиши клиник морфологик жиҳатдан йирик ва майда калибрли томирларда қон айланишининг секинлашиши ва инфирцирланиш оқибатида эндотелий ҳужайраларининг шикастланиши кузатилади. Агар шикастланиш аъзоларга кирувчи артерия томирларида кузатилса, деворида тромбларнинг шаклланиши, томир бўшлиғини торайиши ва шу аъзонинг ишемик касалликлари ривожланиши билан давом этади.

Гипертония касаллигида артерия деворида сурункали зарарланишлардан мукоид бўкиш, фибриноид бўкиш, гиалиноз каби

Ўзгаришлар юзага келиши мумкин. Айни, COVID-19 ушбу ўзгаришлар жараённинг тезлашиши, асосан интима қаватидаги эндотелий хужайраларнинг шикастланиши билан давом этиши тезлади.




1-расм. Гипертония касаллиги ва COVID-19 инфекциясида ўпка тўқимаси. Периваскуляр соҳадаги алвеоляр девор атрофида лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари (1), алвеоляр девор капиллярларида кескин тўлақонлик белигилари аниқланади (2). Бўёқ Г.Э. Кат: 10x20.




2-расм. Ўпка артерияси. Интима қавати юзасида тромбоцитлар агрегацияси ва зарарланган юзадаги эндотелий қавати десквамацияси (1), субэндотелий қавати ва ўрта қавати толали тузилмаларида бўкиш ва оралиқ шишлар шаклланган (2). Бўёқ Г.Э. Кат: 10x40.

Айни тадқиқот ишимизда ўпка артерияси субэндотелий ва ўрта қаватида ривожланган фибриноид бўкиш ва мукоид бўкиш ўчоқлари аниқланади. Шу билан бирга шу соҳаларнинг интимасида ҳам эндотелий хужайраларининг ўчоқли десквамацияси ва яраланган ўчоқлар юзасида тромбоцитлар агрегацияси аниқланади. Бу эса тромбларнинг энди шаклланаётганлигини аниқлатади.




3-расм. Ўпка артерияси. Гипертония касаллиги ва COVID-19 билан инфицирланган 48 ёш бемор. Баённома № 73В. Интима қаватида мукоид бўкиш (1), субэндотелиал қаватда чизиқли кўринишда ШИФФ мусбат тузилманинг тўпланиши (2), ўрта қаватида ҳам




4-расм. Ўпка артерияси COVID-19 инфекцияси экссудатив фазасида продуктив эндоваскулит жараёни билан намоён бўлиши. Томир ички қавати юзасидаги лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари (1), эндотелий қаватининг массив десквамацияси (2), томир девори

ШИФФ мусбат тузилмалар аниқ бир ўрта қавати мушак қавати траектория бўлиб чизиксимон гипертрофияси (3), томир девори нотекис қалинликда. Бўёқ Г.Э. Кат:10x40.

Ўпка артериясининг 1,2 ва 3-ламчи йирик калибрли тармоқларида ўрта қавати мушакларининг жавоб реакцияси сифатида томир деворининг қалинлашиши билан тушунтирилади. Бу жараён натижасида кучли босим ва механик ишқаланиш ўпка артерияси интимаси юзасидаги эндотелиоцитларнинг таъсирланиши ва шикастланиши билан намоён бўлиб, шу соҳаларда мукоид бўкиш ва кейинчалик фибриноид бўкиш билан намоён бўлиб, юзада жойлашган эндотелий хужайраларининг эндотелиози кучайишига ва томир ички юзасидаги эндотелиоцитларнинг ўчоқли десквамацияланишига олиб келади (3 ва 4-расмлар).



5-расм. Гипертония касаллиги ва COVID-19 билан касалланган 56 ёшли бемор. Ўпка артериясининг 4ламчи тармоғи. Девори қалинлашган, мушак қаватларида гипертрофияланган миоцитлар, цитоплазмасида жуда кўп микдорда ШИФФ мусбат киритмаларнинг бўлиши (1), ораликда ШИК “+” тузилмаларнинг тўпланиши (2), томир ички юзаси релефи нотекис, эндотелиоцитларнинг десквамацияси тромбоцитлар агрегацияси аниқланади (3). Бўёқ ШИФФ бўёғи. Кат: 10x40.




6-расм. Гипертония касаллиги ва COVID-19 билан касалланган 51 ёшли бемор. Ўпка артериясининг 4ламчи тармоғи. Девори қалинлашган, мушак қаватларида гипертрофияланган миоцитлар, цитоплазмасида жуда кўп микдорда ШИФФ “+” киритмаларнинг бўлиши (1), ораликда ШИК мусбат тузилмаларнинг тўпланиши (2), эндотелий қаватини массив кўчиб тушиши ва такомил топаётган тромб аниқланади (3). Бўёқ ШИФФ бўёғи. Кат: 10x40.


COVID-19 инфекцияси ва гипертония касаллиги қўшилиб келганда ўпка артерияси тармоқлари ва ўпка тўқимаси морфологиясини ярим юпқа кесмаларда ўрганиш. Прекапилляр артериолалар томири деворида мушак хужайраларининг гипертрофияси, циркуляр жойлашган миоцитларда кескин гипертрофик ўзгаришлар аниқланди. Эндотелий қавати хужайраларининг бўртиб чиқиши, гидропик дистрофияга учраганлиги, аксарият эндотелиоцитлар цитоплазмасида базофил киритмаларни кўпайганлиги аниқланди. Шу билан бирга, эндотелиоцитларнинг томир бўшлиғига бўртиб чиқиши, ядроларининг гиперхром бўялиши, томир троекториясини

ўзгариши, чегараларини нотекис бўлиши, интима қавати чегарасини бузилганлиги, базал мембранаси шишларнинг аниқланиши, мукоид бўкиш ўчоқлари ривожланиши эндотелий хужайраларини ўчоқли десквамацияси ва шу соҳаларда тромбоз жараёни ривожланаётганлиги аниқланди.

Артериолалар девори эндотелийси, ўрта қавати силлиқ мушак хужайралари пролиферацияланган, оралиқ тўқимасида гомоген пушти рангли фибриноид тузилмалар ва бириктирувчи тўқимасида ҳам фибриноид бўкиш ва фибриноид некрозга учраган ўчоқлар аниқланади, фибриноид некрозга учраган соҳаларда макрофагларнинг тўпланиши, қон қуйилиш ўчоқлари аниқланади (7-расм). Шикастланган томир девори атрофида ва бўшлиғида тромблар аниқланади. Тромблар таркибидаги фибринли ипчалар ва ҳар хил хужайра компонентлари аниқланади. Вена томирлари кескин кенгайган, қон билан тўлган, айримлари ёрилиб атрофида қон қуйилган, бўшлиғида эритроцитар ва фибринли тромблар пайдо бўлганлиги аниқланади.




7-расм. Ўпка тўқимаси. Алвеоляр бўшлиқларда метапластик ўзгарган гигант хужайрали макрофаглар аниқланади (1), бирламчи алвеоляр хужайралар ҳам десквамацияланган (2), майда калибрли артериялар девори шикастланган ва атрофида дағал толали бириктирувчи тўқима тузилмалари аниқланади (3). Ярим юпқа кесма. Бўёк метилен кўки ва пикрофуссин. Кат: 10x40.




8-расм. Ўпка томири эндотелийси юзасида донатор кўринишдаги эндотелиоцитларнинг гиперхромли бўялиши (1), томир деворида гиалиноз ва перцитар соҳа фибраматози аниқланади (2), аксарият макрофагларнинг хаотик жойлашиши (3). Ярим юпқа кесма. Бўёк метилен кўки ва пикрофуссин. Кат: 10x40.

Коронавирустан вафот этганларнинг мезентериал артерияси тромбози ва тромбоэмболисининг морфогенези, морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлари. Мезентериал артерияларнинг COVID-19да юзага келадиган морфологик ўзгаришларининг асосий жиҳатлари қон-томир девори тўқимасида сифат реакциялари қуйидаги оралиқ маҳсулотларнинг тўпланиши билан давом этади. Жумладан, COVID-19 инфекциясида мезентериал артериялар деворида нордон муҳитни юзага келтирадиган гидрофил гликозаминогликанлар оиласига кирувчи нордон мукополисахаридларнинг тўпланиши билан намоён бўлади. Айнан ушбу

сифат реакциясини аниқлашда ШИФФ реактивидан фойдаланилади. ШИФФ реактиви таркибидаги йодид кислотасининг таъсири натижасида нордон мукополисахариднинг мовий кўк рангга бўйлиши билан намоён қилади. Айнан мезентериал артерияларнинг анатомик қаватларида энг кўп ШИФФ мусбат тузилмаларнинг субэндотелиал ва ўрта қавати (мушак ва толали тузилмалар) бўйлаб нотекис чегаралар бўйлаб тўпланганлиги аниқланади.



9-расм. COVID-19 да юқори мезентериал артерия. Артерия девори анатомик қаватлари яққол тасвирланган, томир ички юзаси бурмали кўринишда бўлиб, эндотелий ва субэндотелиал қаватлар оралиғида ШИФФ мусбат тузилмаларни турлича ўчоқли кўринишда тўпланиши аниқланади (1) (ШИФФ мусбат тузилмаларнинг қон томир девори бўйлаб турлича тарқоқ жойлашиши томир деворида метаболизмнинг ҳар хил даражада издан чиққанлигини кўрсатади). Бўёқ ШИФФ бўёғи. Кат: 10x10.



10-расм. COVID-19 да юқори мезентериал артерияси. Интима қавати юзасида майда грануляр кўринишда тромблар агрегацияси аниқланади (1). Субэндотелиал қават юзасида ШИФФ мусбат тузилмалар ўчоқли тўпланган (2). Ўрта қават толали тузилмаларининг оралиғида ҳам ҳар хил интенсивликдаги ШИФФ мусбат тузилмалар ва тўқ пушти рангга ҳар хил интенсивликдаги ШИК мусбат тузилмалар аниқланади (3). Бўёқ ШИФФ бўёғи. Кат:10x20.

Диссертациянинг «Тромбозлар ва тромбоемболик асоратлар билан кечган COVID-19да томирлар патоморфологияси ва морфометрик текшириш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида, ўпка томирларида аниқланган, тромбларнинг макроскопик кўриниши ва тузилиши жиҳатлари, тромбнинг табиати ва ранги жиҳатидан, ўзига хослиги физик хусусиятлари ва жойлашган соҳасидаги шакли бўйича маълумотлар келтирилган. Аутопсия вақтида юрак бўшлиғи ва йирик калибрли томирлар ичида ивиган қон лахтаси механик таъсирларда тез ўз шаклини ўзгартириб, аморф ярим суюқ ҳолатга келиши билан тавсифланади. Патологик жараёнларда тромбларнинг шаклланишида Вирхов учлиги компонентлари: қон айланишининг секинлашиши, томир девори шикастланиши ва қоннинг реологик хусусиятлари кучайиши оқибатида тромблар шаклланади. Тромбларнинг морфологик жиҳатдан эса, локализацияси бўйича айнан, шикастланган томирларда маҳаллий шаклланганлиги бошқа соҳалардан миграцияланмаганлиги ва тромб аниқланган томирлар ички юзаси

макроскопик текширилганда эрозив шикастланган ўчоқларнинг аниқланиши билан жихатланди.

Коронавирусдан вафот этганлар мезентериал артерияси тромбози ва тромбоземболиясининг морфогенези, морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлари келтирилган. Мезентериал артерияларнинг COVID-19 да юзага келадиган морфологик ўзгаришларининг асосий жихатлари қон-томир девори тўқимасида сифат реакциялари қуйидаги оралик маҳсулотларнинг тўпланиши билан давом этади. Жумладан, COVID-19 инфекциясида мезентериал артериялар деворида нордон мухитни юзага келтирадиган гидрофил гликозаминогликанлар оиласига кирувчи нордон мукополисахаридларнинг тўпланиши билан намоён бўлади. Айнан ушбу сифат реакциясини аниқлашда, ШИФФ реактивидан фойдаланилади. ШИФФ реактиви таркибидаги йодид кислотасининг таъсири натижасида нордон мукополисахариднинг мовий кўк рангга бўйлиши билан намоён қилади. Айнан мезентериал артерияларнинг анатомик қаватларида энг кўп ШИФФ мусбат тузилмаларнинг субэндотелиал ва ўрта қавати (мушак ва толали тузилмалар) бўйлаб нотекис чегаралар бўйлаб тўпланганлиги аниқланади.

Бу COVID-19 фонида томир деворларида метаболизм жараёнида гипоксиянинг ривожланиши ва нордон мукополисахаридларнинг меёрда парчаловчи гиалуронидаза ферментининг етишмаганлигини кўрсатувчи морфологик маркерлардан бири ҳисобланади (9-10 расмлар). COVID-19 фонида мезентериал артерияларнинг йирик ва ўрта калибрли томирлари эндотелийсида кескин ўзгаришлар аниқланмади. Аксарият ўзгаришлар субэндотелиал қаватларда ва мушак қаватларида аниқланиши, шу соҳаларда аэроб гликолиз жараёнини тормозлаганлигини ва хужайравий таркиби бўйича функционал фаол хужайрлар фаолиятини секинлашганлигини кўрсатади.

4.1. Коронавирусдан вафот этганлар ўпка артерияси тромбози ва тромбоземболисида томирларнинг морфометрик кўрсаткичлари.

COVID-19 да ўпка томирларида ривожланадиган ўзгаришларни морфометрик текширишда ИГХ усулида бўйланган микропрепаратлар 200х катталиқда NanoZoomer. REF-C13140-21. S/N000198/-HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196 JAPAN да сканер қилиниб, олинган икки ўлчамли тасвир QuPath 0.4.0url. дастури орқали X,Y ўқларида ўзаро кесишувчи траектория текисликларида майдони ва ҳажми аниқланди. Олинган натижаларни назорат гуруҳидаги ўзгаришлар билан таққосланиб, таҳлил қилинди.


1-жадвал

Ўпка артерияси тромбози ва тромбоземболиясида томирларнинг морфометрик кўрсаткичлари


№	Томир девори	Гипертония касаллиги ва COVID-19	Қандли диабет ва COVID-19
1	Ўпка томир эндотелий қавати (мкм)	1,09±0,1*	1,42±0,1*
2	Ўпка ичи томири мушак қавати (мкм)	8,47±0,23*	7,21±0,98*

